

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

«СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 508-модда)

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 30 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6¹-модданинг биринчи қисми:

куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди»;

бешинчи—ўн бешинчи хатбошилари тегишинча олтинчи—ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

2) 10-модданинг иккинчи қисми:

олтинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига кўйиладиган малака талабларини белгилайди»;

куйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан белгиланган иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилганлиги учун суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача миқдорда белгиланган тартибда жарима солади»;

тўққизинчи—ўн бешинчи хатбошилари тегишинча ўнинчи—ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

3) 12-модданинг биринчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатлари билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

 *LexUZ шарҳи*

Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2008 йил 23 декабрдаги 247 (4657)-сонидан эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 декабрь,
ЎРҚ-192-сон